Ушбу сонда:
2 Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар ИШОНЧ — ИНСОНГА ҚАНОТ
3 TV - ДАСТУРИ
4 ҚИММАТГА ТУШГАН ЙЎЛЛАНМА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 май, жума №76 (1090)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

М.Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, бастакор Мутал (Мутаваккил) Музаинович Бурҳонов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 май

ФЕСТИВАЛНИ ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР БОШЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА, «Маърифат ва маънавият» кенгаши ва Бадиий академия ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этган «Шу азиз Ватан - барчамизники» фестивалини Қашқадарё вилояти бошлаб берди.

Шу муносабат билан Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов очди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст, давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов, бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Назар Ҳакимов фестивалнинг ўтказилиши мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида истиқлолимизнинг ўн йили давомида амалга оширилган улкан ишларни намойиш этиш борасидаги катта аҳамиятга молик воқеа эканини таъкидлади.

Қашқадарё вилояти мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўрин тутади. Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган воҳа ҳаётига оид турли мавзудаги фотосуратлар, расмлар, халқ амалий санъати, саноат маҳсулотлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Марказий кўргазмалар залининг катта қисмида қашқадарёлик халқ амалий санъати усталарининг асарлари намойиш этилмоқда. Касби тумани Месит қишлоғида яшовчи уста Зубайдулла Сатторов, Қарши санъат билим юрти ўқитувчиси, ёғоч ўймакори Раҳим Алибоев ясаган бежирим кутича, курси ва кели сингари миллий ҳунармандлик буюмлари нозик дид билан ишлангани, нафислиги билан киши эътиборини ўзига тортади.

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар жамоа корхонаси мамлакатимиздаги халқ амалий санъати намуналари ишлаб чиқарувчи саноқли фабрикалардан бири ҳисобланади.

- Корхонамизда 200 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланади, -дейди бошқарув раиси Норбиби Сафарова. - Фабрикамиз чеварлари тиккан кашта, дўппи, сўзаналар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидоргир.

Фестивалда қашқадарёлик санъат усталари ҳам ўз маҳоратини намойиш этди. Қарши туманидаги «Момогул» фолклор-этнографик дастаси, Қарши санъат билим юрти анъанавий ижрочилик бўлими талабалари, «Ўзбекрақс» бирлашмаси Қашқадарё бўлимининг рақсчилари ижро этган қўшиқ ва рақслар анжуманда қатнашганларга хушнудлик бахш этди.

Мамлакатимизга донғи кетган Қодир бахшининг ўғли Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг юртни мадҳ этиб, Қашқадарёнинг бепоён кенгликларию бетакрор табиатини, меҳнаткаш халқини куйлаб қилган ҳонишлари дилларга ҳузур бағишлади.

Мамлакатимизда саноқли сибизғачилар бор. Ана шундай санъаткорлардан бири деҳқонободлик Раим бобо Хўжамқуловдир. Фестивалда иштирок этган Раим бобо сибизғасини шундай маромига етказиб чалдики, бу қадимий мусиқа асбобининг оҳангларини барча сел бўлиб тинглади.

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида қашқадарёлик мусаввирларнинг асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Воҳанинг таниқли рассомлари З.Самадовнинг «Тоғда баҳор», Н.Бердиевнинг «Ғамгин чеҳра», З.Аҳмедовнинг «Вақт чархпалаги» каби картиналари Қашқадарёнинг гўзал табиатию инсон руҳиятининг кўз илғамас жиҳатларидан сўзлайди.

Фестивалда Қашқадарё вилояти корхоналарида ишлаб чиқарилган юқори сифатли саноат маҳсулотлари кўргазмаси ҳам намойиш этилмоқда.

«Шу азиз Ватан - барчамизники» фестивали давом этади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

А.РИСҚИЕВ,
Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган суратлар.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Театр фойесида бастакорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирган фотокўргазма ташкил этилди.

ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДАГИ ИЖОДКОР

Тантанали кечада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Мутал Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди ва юксак мукофотни бастакорга топширди.

Санъаткор ижодининг ўзига хослиги шундаки, унинг энг сара ва гўзал асарлари Ватанга муҳаббат, эрк ва озодлик каби мангу мавзуларга бағишланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ана шундай улуғ ғоялар билан йўғрилган шеърияти бастакорни ўзига беҳад мафтун этгани ҳам бежиз эмасди. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимиз М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида», «Алишер Навоий» опералари сингари жозибадор мусиқий асарларидан баҳраманд бўлди. Мустақил юртимизнинг давлат мадҳияси эса бастакор ижодининг мангуликка дахлдор яна бир муҳим қирраларидандир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Россия Федерациясининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков, мамлакатимиз маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ва бошқалар бастакорни таваллуд айёми билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодига барака тиладилар.

- Мен учун ҳурриятга эришган халқим учун ижод қилишдан буюкроқ бахт йўқ,- деди атоқли бастакор. - Қувончимнинг яна бир боиси шундаки, элим ардоғидаги санъаткорман. Камтарин меҳнатим халқимиз, Президентимиз томонидан шунчалар катта баҳоланаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилмоқда. Бу ғамхўрликларнинг барчаси учун Юртбошимиздан, халқимиздан чин юракдан миннатдорман.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА).

Афина шаҳрида ўтказилган туризм соҳаси бўйича халқаро кўргазма иштирокчилари самарқандлик ҳунармандлар меҳнатига қойил қолишди.

ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ

Кўргазма шаҳар тадбиркорлар уюшмаси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд шаҳар бўлими ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясининг Грециядаги вакиллиги томонидан ташкил этилди. Унда самарқандлик ҳунармандларнинг каштачилик, кулолчилик, зардўзлик санъати намуналари намойиш этилди ва миллий буюмлар хорижликларни ҳайратга солди. Саломат Ғойипованинг чиқишини ҳам мухлислар олқишлар билан кутиб олишди.

«Туркистон-пресс».

«ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ — 2001»

республика босқичи беллашувларида

Маълумки, 2004 йили Афина шаҳрида яна бир халқаро мусобақа — навбатдаги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Айни кунларда соҳа мутасаддилари, мураббийлар олдида турган энг юксак вазифа бу каби нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш спортчиларни тарбиялашдан иборатдир. Шуни катта қувонч билан таъкидлаш керакки, ушбу эзгу мақсадга эришишга ҳозирдан киришилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Олимпиада умидлари - 2001» спорт мусобақалари истиқболни кўзлаб қилинаётган кенг кўламдаги хайрли ишлардан бири саналади.

Ниҳоят, мамлакатимиз умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги тўрт босқичдан иборат мусобақаларнинг интизорлик билан кутилган сўнгги рес-

публика босқичи беллашувларига ҳам етиб келинди. Айни кунларда икки мингга яқин ўқувчилар пойтахтимиз спорт майдонларида футбол, волейбол, баскетбол, гандбол (қўл тўпи), стол тенниси, шоҳмот ва енгил атлетика бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Хусусан, энг оммавий спорт тури саналмиш футбол беллашувлари «Чилонзор» ҳамда Армия спорт клуби ўйингоҳларида ўтказилаётир. Миллионлар ўйинининг ғолиб ва совриндор жамоалари 23 май куни аниқланади.

Бунга қадар эса республикамизнинг ҳар бир мактабида, туман, шаҳар ва вилоятларида ўтказилган мусобақаларда ўн минглаб ўқувчи ёшлар иштироки таъминланди. Масалан, биргина Сирдарё вилоятида биринчи босқичда 314 минг, иккинчи босқичда 30 минг, учинчи босқичда 1,5 минг ёш спортчи финал баҳслари йўлланмалари учун беллашдилар. Энг муҳими, ва кўнгилга таскин берадиган жиҳат шуки, мусобақаларни ўтказиш тўғрисидаги ташаббус ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан зўр хушнудлик, катта қизиқиш ила кутиб олинди. Қашқадарёлик педагог, жисмоний тарбия ўқитувчиси Асрор Қулмирзаевнинг мулоҳазалари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

— Ватанимизда ёш авлод баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган ишлар албатта таҳсинга сазовордир. Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида «Олимпиада умидлари — 2001» мусобақаларининг ташкиллаштирилиши айни муддао бўлди. Ишонсангиз, ўқувчиларимиз беллашувларга ғоят қизғин тайёргарлик кўришди, ўйинлар ҳам катта кўтаринкилик билан ўтди.

Дарҳақиқат, ўқитувчи-мураббий сўзларида жон бор. Зеро, «Олимпиада умидлари — 2001» мусобақалари ўқувчи ёшларнинг олам-олам қувончига сабаб бўлди. Бинобарин, кўтаринкилик билан ўтаётган ҳал қилувчи баҳслар ёш олимпиадачилар кашфиётига айланишига шубҳа йўқ.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТИББИЙ АНЖУМАН

Навоий шаҳар тиббиёт билим юртида тиббиёт коллежлари ва билим юртларида «Илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш» мавзуида республика ўқув-услубий анжумани бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизимига қарашли 50 га яқин тиббиёт коллежи ва билим юрти директорлари, амалиёт бўйича директор муовинлари, шу соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда тизимни такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб мавзулардаги ўндан ортиқ маъруза тингланди. Шунингдек, кичик ва ўрта бўғин тиббиёт ходимларини тайёрлашда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Конференция қатнашчилари Навоий тиббиёт билим юртининг янги биноси ва унда яратилган замонавий шарт-шароитлар, билим юрти ўқитувчиларининг илғор педагогик тажрибалари билан танишди.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Жиззахда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ана шу мавзуда республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда барча педагогика институтларининг энг қобилиятли, билимдон талабалари иштирок этди.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичида талабалар эркин мавзуда иншо ёзиб, тест синовидан ўтди. Шундан сўнг улар миллий истиқлол ғояси ва XXI аср ўқитувчиси ҳақидаги ўз тушунчаларини саҳна кўринишларида акс эттирди. Танлов якунига кўра Жиззах Давлат педагогика институти талабаси Б.Ҳайитбоева биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин қўқонлик Х.Мирзаакбаровага, учинчи ўрин Ангрен педагогика институти талабаси Н.Аноркуловага насиб этди.

Велопойга:

ҲАМЮРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда велоспорт бўйича «Тур Таиланд» халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Унда 6 мамлакатдан ташриф буюрган 136 нафар спортчи иштирок этди. Ўзбекистонлик Дамир Иратов эркаклар ўртасида «Бангкок-Чиангмай» трассасида энг яхши натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни ҳам ҳамюртимиз Улуғбек Саломов эгалладди ва у кумуш медал билан тақдирланди.

Ёшлар ўртасида эса ўзбекистонлик велопойгачи Владимир Тўйчиев финишга иккинчи бўлиб етиб келди. Аёллар ўртасида Бахтинисо Сафарова бронза медалини қўлга киритди.

(ЎзА).

Паспорт тизими қонун-қоидаларини кимлар бузмоқда?

БОЗОРДАГИ УЧАРЛАР

Газетамизнинг ўтган сонида «Таъманинг умри қисқа, фирибнинг ҳам» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Мазкур мақоланинг қанчалик ҳаётий эканлигини воқеаларнинг кейинги ривожи аниқравшан исботлаб берди.

...Хоразм вилоятининг Урганч туманидан Тошкент шаҳар «Отчопар» бозорига тайёр кийимларни сотиш учун келган, қонуний равишда тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаро Б.Бўроновага шовотлик А.Матчонов учраб, «Опа, молингизни ўзим сотиб бераман», дея унинг 750 минг сўмлик саноат молларини олиб қорасини ҳам кўрсатмай кетади. Жиноят қидирув бўлими ходимлари, изқувар И.Қамбаров ва терговчи А.Раҳимов фирибгарнинг изидан тушадилар. Суриштирув-қидирув ишлари туфайли А.Матчоновнинг излари топилди. У Тошкент шаҳридаги уйлардан бирида паспорт тизими қонун-қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда фирибгарлик билан шуғулланиб келар экан. Айни кунларда унинг жиноий иши юзасидан тергов ҳаракатлари охирлаб бормоқда.

Таъмагир ва фирибгарларнинг кейинги пайтларда иштаҳаси ҳаддан ташқари очилиб бормоқда. Тошкентлик уй бекаси Ш.Тошхўжаева жияни, хусусий тадбиркор А.Аъзамов билан «Отчопар» бозорида савдо қилаётган пайтда уларнинг ёнига икки йигит келишади.

— Бизлар Алишер ва Азамат — бозор эгаларидамиз. Мабодо шу ердан тирикчилик қиламан десангиз бизга ҳар ойда 120 минг сўмдан тўлаб туришингиз керак. Агарда шу шартимизга кўнмасаларингиз ўзингиздан кўринг, дейишди улар.

Рекетчилар тазъйиқига тушган тадбиркорлар пировардида патрул пости хизмати бошлиғига мурожаат этишади. Тез орада зўравонларнинг ким эканлиги маълум бўлди. Товламачилар Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан бўлиб, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган паспорт тизимини мунтазам бузаётган, тўрт муччаси соппа-соғ А.Мўминов ва А.Аъзамовлар экан. Улар холажиян Ш.Тошхўжаева ва А.Аъзамовлардан дастлабки «бўнак» — 37 минг сўмни олиш пайтида қўлга тушдилар.

...Ҳа, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсалар ўзларининг қора ниятлари йўлида ҳеч нарсадан ҳайиқмайдилар. Мана бунга нима дейсиз? АҚШдан Тошкентга 1,5 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами олиб келган икки фуқаро «Отчопар» бозорида ўзларига тегишли бўлган «ЖИП» енгил автомашинасини пуллик тўхташ жойида қолдириб, отаонасиз болаларга қўшимча совға-салом, кийим-кечак ва ўйинчоқлар ҳарид қилиш учун бозорга кириб кетадилар. Лекин шу жойда ҳеч қаерда ишламайдиган А.Беляев ва О.Ҳолиқов «ЖИП»нинг ойнасини синдириб, дори-дармонлар жойланган картон қутиларни ўмараётганларида тузоққа илиндилар.

Таъмагир ва фирибгарнинг югургани монхонагача. Айнан шундай бўлиши учун «Отчопар» бозори ҳудудидаги вазиятни кеча-ю-кундуз назорат қилиш мақсадида 10 та кузатув-назорат видеотелекамералари ўрнатилди. Телекамералар шу ерда жойлашган компьютерлашган бошқарув пульти орқали навбатчи милиция офицерлари томонидан бошқарилади. АҚШда тайёрланган ушбу камераларни Тошкентдаги «АБСОФТ» фирмаси ходимлари монтаж қилиб ишга туширдилар. Бозор ҳудудидаги барча ҳолат ва вазиятлар телекамера орқали мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Бу ўзганинг молига, ҳақига кўз олайтирган товламачи, ўғрилар йўлига тўсиқ қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Малик НУРИДДИНОВ,
Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
журналистлар.

Касаба уюшма тадбирлари

Ўтиб бораётган ҳар бир кун бизни қутлуғ сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш учун барча ерда қизғин хозирлик кўрилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитасининг мажлислар залида шу санага бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда пойтахт шаҳри туманларининг биринчи босқич ғолиблари — халқ амалий усталари ўзларининг ғоят нафис, ўзига хос услубда тайёрлаган ижод намуналарини намойиш этдилар.

КЎРИК ТАНЛОВ

ғолибларига қимматбаҳо совға ҳамда сиҳатгоҳга йўлланма

Кўрик-танлов иштирокчилари ҳар бир экспонатни зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Уларга ҳавас ила назар ташлар экансиз, одамларимизнинг истеъдоди, ўз касб-корига нақадар чуқур меҳр қўйганлиги қалбингизни жунбушга келтиради.

Ҳайъат аъзоларига осон бўлмади. Чунки тавсия этилган ижод намуналари бир-биридан кўркам, ўзига хос ноёб усулда эди. Пировард-натижада фахрли биринчи ўрин Сирғали туманидаги Германия ва АҚШ шаҳарларида ўтказилган халқаро амалий санъат усталари танлови иштирокчиси Тоҳир Икромовга, иккинчи ўрин Акмал Икромов туманилик оилавий ҳунарманд — ёғоч ўймакори Мукаррама Ибрагимовага, учинчи ўрин эса мирободлик ажойиб ҳунарманд Гулором Йўлдошевага насиб этди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ҳамда сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан тақдирландилар.

Кўрик-танлов янги-янги истеъдодларни аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этди. С.Раҳимов туманидаги «Ижод» хусусий фирмаси ходими Елена Вадинкова, Чилонзор туманидаги «Санъаткор» масъулияти чекланган жамият ҳунарманди Рима Газалиева томонидан тайёрланган ажойиб ижод намуналари иштирокчиларга эстетик завқ бағишлади. Ушбу танлов ғолиблари пойтахт касаба уюшмалари томонидан октябр-ноябр ойларида ўтказиладиган кўрик-танловнинг учинчи босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

О.САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: тадбиркор ҳунармандлар томонидан кўрик-танловга тавсия этилган ижод намуналари.

Муаллиф олган суратлар.

ЭНДИ ЭКСПОРТ ҲАҚИДА ЎЙЛАЯПМИЗ

Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати

Шундай вазифалар борки, уларни ҳал этмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг бир маромда ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Хориж инвестициясини жалб этиш, қўшма корхоналар барпо қилиш, айниқса, мамлакатимизга тўғридан-тўғри келаётган сармоялар тараққиётимиз учун сув ва ҳаводек зарур.

Биламизки, ўтмишдан қолган бир иллат яқин вақтгача қимматга тушиб келди. Баъзи корхона, ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олмасдан иш юритиши, харидоргир маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олмагани оқибатида омборларда катта миқдордаги моллар сотилмай келди.

Нуфузли йиғилишларда бизнинг Фарғона вилоятида ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасидаги ўзгаришлар суст бораётгани таъкидланганлиги тўғри. Бироқ, сўнгги вақтларда қатор жойларда изланиш, янгиланиш сезилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагини «Маҳаллий саноат» акционерлик компаниясининг Фарғона вилоятидаги корхоналари яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Ўтган йилнинг тўрт ойига нисбатан қарийб 90 миллион сўмлик кўп маҳсулот тайёрланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди.

Эришилаётган ютуқларда омилкор, ташаббускор ишчи-хизматчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, «Шўрсув», «Темирчи», «Мингчинор» ва «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ходимларга қулай шарт-шароит яратиш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояни намунали йўлга қўйишга эришилмоқда.

Қайд этилган корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот сифати ва харидоргир бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Бунинг учун қўшимча имкониятлар ажратилди. Пахта момиғи, олтингугурт, сопол буюмлар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш қарийб икки бараварга кўпайди. Биринчи чоракда катта миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Йил охиригача бу кўрсаткич 1 миллион АҚШ долларига етказилиши мўлжалланмоқда. Ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Сабоқлардан хулоса чиқариб, хориж инвестициясини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар барпо этиш, янги техника ва технологияни олиб келиш юзасидан дастлабки дадил қадамлар қўйилмоқда.

М.САМАТОВ,
ишчи.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ИШОНЧ — ИНСОНГА ҚАНОТ

Чекка қишлоқда маҳалла фаоллари билан ўтказилган йиғилишдан қайтганимда, идора ёнида 3-4 киши кутиб турарди. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ичкарига таклиф этдим.

— Касабақўм ҳақиқий суянчимиз, - дея гап бошлади Содиқ ота. - Шу боис, ўзимизни яқин олиб келдик. Хабаринг бор, уч оила бир ҳовлида турамиз. Насиб қилса, кенжамизни уйлаш ниятидамиз. Шу боис, янги уй қуриш учун ер сўраб ариза ёзгандик.

— Бу масалани ҳал этиш учун раисимиз вилоятдаги тегишли идорага кетган. Ишонаманки, яқин орада илтимосингиз қондирилади. Беихтиёр нима дейишини билмай, тортинибгина турган келинчакка юзландим. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Улар бошига ташвиш тушиб, иқтисодий жиҳатдан бироз қийинчилик туғилибди. Мен бугун ҳисоб рақамимизга пул тушишини, икки кун ичида ёрдам пулини ажратилишини маълум қилдим. Кишилар миннатдорчилик билдириб чиқиб кетишди.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси. Масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқиш учун касабақўм раиси қатъиятли, ташкилотчи, иложи борича ҳар бир хонадон туриш-турмушини яхши билиши лозим. Керак бўлса, хўжалик раҳбарлари билан талашиб-тортишишга ҳам тўғри келади.

Очиқроқ гапирганда, меҳнаткашлар кўнгилли дам олиб, маданий тадбирлар ўтказиладиган шийпонларга бир вақтлар эътибор сусайтириб юборилди. Фахрийлар таклифи асосида шийпонларга муносабатни тубдан ўзгартирдик. Улар имконият даражасида яхшилаб таъмирланди, керакли жиҳозлар келтирилди. Демак, мавсум мобайнида шийпонлар деҳқон оромгоҳига айланади.

Касабақўм раиси сифатида бир нарса мени қувонтиради. Уч-тўрт йил аввал бирон деҳқонга саёҳатларга бориш таклиф этилса, у уй қураман, тўй қиламан қабилидаги гапларни айтиб, ўзини четга оларди. Эндиликда кишилар дунёқараши анча ўзгарди. Улар Самарқанд, Хива ва бошқа қадамжоларга боришни ихтиёр этмоқдалар. Яқинда икки гуруҳ уч кун мобайнида Самарқандда бўлди. Тарихий обидалар билан яқиндан танишув, қизиқарли учрашувлар, концертларни томоша қилиш одамларимиз кайфиятига кайфият қўшди. Сезишимча, улардаги ғурур кучайди.

Ҳаётимиздан нолимаймиз. Эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилишга қўлимиздан келганча ҳаракат қиляпмиз. Яхши ишлаган яхши яшаяпти. Масалан, ижарачи Шоира Саиджабборова мўл ва арзон маҳсулот топшириб, бултур 113 минг, Фарида Мустафоқулова эса 103 минг сўм устама мукофот олдилар. Яқинда жамоа шартномамизга қўшимча киритдик. Яъни, нисбатан мураккаб жойларда ишловчилар учун таътил муддати 55 кун этиб белгиланди. Жисмоний тарбия ва спорт ривожланиб бормоқда. Ўйингоҳимиз тумандаги энг яхшиларидан бири. Ёшлар бўш вақтларини асосан шу ерда ўтказадилар. Барчанинг эсида қолган туман спартакиадаси бизнинг стадионда ўтказилганлиги ҳам кўп нарсани англатиб турибди. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда спорт тадбирлари учун қарийб 60 минг сўм, анжомлар сотиб олиш учун 150 минг сўм ажратди.

Акром ҒОЙИПОВ,
Пскент туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

Ҳадемай Нукус шаҳрида сартарошхона ва пойабзал таъмирлаш устахонаси очилади ва кўзи ожизларга бепул хизмат кўрсата бошлайди.

КЎЗИ ОЖИЗЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ

— Бу иккинчи марта грант соҳиби бўлишимиз меваси, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига Нукус шаҳар кўзи ожизлар жамиятининг раиси Қувватбой Шаропов. — Жамиятимизга қарашли Нукус шаҳридаги 44 хонали турар жойни «Маҳаллалардаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» дастури бўйича олинган грант ҳисобидан таъмирлаган эдик. Яқинда «Қувват» соғломлаштириш маркази билан ҳамкорликда кўзи ожизларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича лойиҳамиз Халқаро Каунтерпарт Консерциум ташкилотининг грантини олди. Қурилиш ана шу ташкилот маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда. Биз бундай савобли ишларга яқиндан ёрдам бераётган Қорақалпоғистон нодавлат, нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш маркази ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини ҳимоя қилувчи мамлакатимиз қонунлари барча ривожланган давлатлардаги каби қатъий бўлиб, уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш Сертификация миллий тизими зиммасига юклатилган. Тизим инфратузилмасини шакллантириш учун бир турдаги маҳсулотлар ва синов лабораторияларини сертификациялаш бўйича аккредитация методологияси мунтазам равишда қайта ишланиб, такомиллаштирилмоқда. Экспортга мўлжалланган, жумладан, енгил саноат, кабел, металлургия каби ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анъанавий тарзда синовдан ўтказилаётир. Бугунги кунда «Ўздавстандарт» маркази маълумотларига кўра 170 тадан ошиқ шундай лаборатория аттестация қилинди. 12 мингтадан ортиқ тегишли сертификат берилди. Давлат реестрида жорий йилнинг биринчи чорагида бошқа мамлакатларнинг 1397 та сертификати эътироф этилиб, рўйхатга олинди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Айни пайтда, сертификация жараёнига оид ишлар натижалари бўйича 4166,2 минг сўмлик 8 турдаги маҳсулотлар яроқсиз, деб топилди. Улар орасида Бухоро вилоятидаги «Гастроном» очиқ турдаги жамиятда ишлаб чиқарилган «Малина», «Киви», «Апелсин» ичимликлари ва газ сувлари ҳам бор. «Самарқандгўшт» акционерлик жамияти ходимлари ҳам намлиги ошиб кетган ва истеъмолга яроқсиз деб топилган колбасанинг «Краковская», «Южная» турларини харидорларга сотмоқчи бўлишган. Шунингдек, Самарқанддаги «Роҳат» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси эса 100 килограмм сифатсиз пишлоқ ишлаб чиқарган.

(ЎзА).

«ФОРД» ЁРДАМГА ОШИҚМОҚДА

Фарғона шаҳар аҳолисига «Форд» русумли тез ёрдам машиналари хизмат кўрсата бошлади. Ушбу замонавий тез ёрдам машиналарида ҳаракат жараёнидаёқ беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари мавжуд.

- Мазкур замонавий техникалар кўмагида кардиология ва жонлантириш махсус гуруҳлари ташкил қилдик, -дейди Фарғона шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими бош врачи А.Ниёзов. - Бу аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва салмоғини оширишда қўл келади. Қолаверса, замонавий «Автоамбуланс»лар бемор саломатлигини мунтазам назоратга олиш, бир вақтнинг ўзида амалий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган анжомлар билан жиҳозланган.

ҚУРУВЧИЛАР - ТУҲФАСИ

Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани марказида 450 ўринга мўлжалланган янги коллеж қурилиши тез суръатларда олиб борилмоқда. Мажмуа таркибида ётоқхона ва устахоналар ҳам барпо этилаётир. Бу ерда саноат ускуналарини таъмирлаш, электр ва газ пайвандчиси, бухгалтерия, аудит, пахтага бирламчи ишлов бериш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, коллежда турли русумдаги автомобиллар ҳайдовчилигига ҳам ўқитилади.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Тоғ ён бағридаги сўлим ва хушманзара маскан соҳиби бўлган китобликлар азал-азалдан илму маърифатга чанқоқ. Бу ердан қанча-қанча алломалар, фозилу уламолар етишиб чиққан. Тўртинчи Халқаро Кенглик станциясининг худди шу ҳудудда жойлашишини эса Оллоҳнинг бу маконга иноятн деб тушуниш керак.

НОСОҒЛОМ МУҲИТ

Китоб тумани бизнес мактабидаги ўқув-тарбия ишларига салбий таъсир ўтказмоқда

Бундан бир неча йил аввал Китоб бизнес мактабига Халқаро Кенглик станциясида ишлаган, фан номзоди Бердимурод Маҳматғозиевни директорликка тайинлашаётганда эҳтимол «олим одам, ўқув даргоҳида таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашга эришар...», деб ўйлашгандир. Афсуски, ишонч оқланмади. Аксинча, мана уч йилдирки, бизнес мактабидаги муҳитга дарз кетди, гуруҳбозлик авж олди. Мактабдан текширувчиларнинг оёғи узилмайдиган бўлиб қолди. Ғоҳ у гуруҳ, ғоҳ бу гуруҳ ёзади, денг. Директор имзо тўплаб касаба уюшма қўмитаси раиси устидан ёзса, бу тараф директор ва бош ҳисобчини қоралаб юқори ташкилотларга хат йўллайди. Бундай носоғлом муҳитда ўқув-тарбия ишларига жиддий путур етаяпти. Бу ҳолатдан туман ҳокимлиги, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасидаги мутасаддилар бехабарми, улар нега томошабин бўлиб туришибди, деган савол туғилиши табиий. Бу ҳақда бироз кейинроқ тўхталсак...

Гапни 726 нафар ўқувчи-ю, 105 нафар ўқитувчи, тарбиячи ва хизматчидан иборат жамоада таълим-тарбия ишлари издан чиққани, ходимларни ишга олиш ва бўшатишда «Меҳнат Кодекси» талаблари бузилаётгани, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга кўп ўринларда риоя қилинмаётганлиги ҳақидаги шикоят хатидан бошласак.

— Бизнес мактаб маъмурияти Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ўқитувчи ва тарбиячиларга берилган имтиёзларни жорий этишга масъулиятсизлик билан ёндошмоқда, — деб ёзади илм маскани касаба уюшма қўмитаси раиси Шоир Ражабов. — 2000 йил давомида кўмир ва газ таъминотига етарлича маблағ ажратилмади. 2001 йилда эса турли баҳона билан бош ҳисобчи имтиёзлар учун маблағ ажратишни йиллик бюджет сметасидан тушириб қолдирди. Ходимларни иш билан таъминлаш, айниқса, уларга малака ва ихтисослиги бўйича иш беришда «Меҳнат Кодекси»га риоя қилинмаяпти. Масалан: олий маълумотли ҳисобчи Азамат Ҳалимов ўтган йили «Меҳнат Кодекси»нинг 100-моддасига зид равишда хазиначи вазифасидан бўшатилди. Бу ҳам етмагандек, МКнинг 92-моддасига зид ҳолда «тракторчи» гуруҳига ишлаб чиқариш устаси этиб тайинланди. Шунингдек, Сайфулло Кўчаров ва Абдулла Пардаевлар ноқонуний равишда вазифаларидан озод этилдилар.

Бизнес мактабида хизматчи бўлиб ишлаган Гўзал Жўраева маъмуриятга бола қарови таътили муддати тугаганлиги сабабли икки маротаба — ўтган йилнинг 27 августида ҳамда шу йилнинг 12 мартида ўз иш жойига тиклашни сўраб ариза берган. Буни қарангки, маъмурият уни қонуний ишига тиклаш ўрнига янги иш ўрни очилгунча вақтинчалик бепул таътилга чиқариш ҳақида ариза ёздиришдек антиқа усулни қўллаган...

Табиийки, ноҳақ ишдан бўшатилганлар, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилишган. Касаба уюшмасининг қонуний хатти-ҳаракати директор Бердимурод Маҳматғозиев томонидан таҳдид ёки мансаб вазифасини бажаришга тўсқинлик қилиш, деб тушунилган. Ишловчи ходимлар, ўқувчи-ёшлар кейинги йилларда етарли даражада рағбатлантирилмаган, уларнинг яшаш ва иш шароитларини яхшилаш, дам олишларини ташкил этиш, жамоада турли маданий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга эътибор сусайтириб юборилган. Ташаббус, фойдали таклифларга беписанд қаралган. Ҳатто, иш шу даражага бориб етганки, директор «бюрократик ташкилот» билан шу йилнинг март ойигача шартнома тузишдан бош тортиб келган.

Бу ҳолат касаба уюшма ташкилотининг шу йил 17 апрелдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида айниқса яққол намоён бўлди. Директор, ҳисобчи, ғазначи, ходимлар бўлими мудири ва бошқалар «қайсарлиги» учун касабақўм раиси фаолиятини «қониқарсиз» деб топишга эришишган. Бироқ йиғилишда 105 аъзодан 63 нафари иштирок этиб, умумий овозлар учдан икки қисмни ташкил этмагани учун икки ой муддат ичида навбатдан ташқари сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Жамоа шартномаси умумий йиғилишда муҳокама этилмасдан шунчаки расмийлаштириб қўйилган, холос. Жамоанинг ички тартиб-қоидалари ишлаб чиқилмаган.

Маълумотларда кўрсатилишича, мактабда бюджетдан ташқари 836,3 минг сўм маблағ ишлаб топилган ва унинг 145400 сўми ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланган. Бундан чиқди 7,5 гектар суғориладиган ўқув-тажриба участкаси, асаларичилик тармоғи, бир неча турдаги техникаларни ишлатишдан келадиган жами даромад ақалли 1 миллион сўмга ҳам етмаган эканда. Бу ҳол шикоятда қайд қилинганидек, ҳисоб-китоб ишларида чалкашликка йўл қўйилмадимикин, деган шубҳа уйғотади кишида. Бунинг устига дала-деҳқончилик ишларида қайлардадир ишлатилган техникаларнинг топган маблағи ҳам кирим қилинмаганми, деган сўроғимизга директор «ўзларига эҳтиёт қисм сотиб олишга сарфланган» деб мужмал жавоб қайтариши таажжубимизни янада оширди. Бу нечоғлик тўғри эканлигини ўтказилаётган тафтиш хулосаларига қараб билиб олса бўлади.

Китоб бизнес мактабидаги ажабтовур ҳолат мутасаддилар эътиборини тортди. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ҳабиба Ҳидирова ҳокимлик томонидан вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасига мактабдаги ҳақиқий аҳволини пухта ўрганиш ва раҳбар ҳақида тегишли хулосага келиш таклифи аллақачон берилганлигини маълум қилди. Афсуски, бошқармадагилар ҳанузгача жим.

Илм маскани қутлуғ даргоҳ. Бу ердаги муҳит, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат, бурч масъулиятини чуқур ҳис этиш ҳар бир талаба учун намуна бўлиб хизмат қилиши керак. Афсуски, маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги келишмовчиликлар, шикоятбозлик ёшларни таажжубга солмоқда, таълим-тарбия ишларига салбий таъсир ўтказмоқда. Шу боис, мутасаддилар бизнес мактабида уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, мақсад сари барча ўқитувчиларнинг якдил ҳаракат қилишларига эришишга хизмат қиладиган аниқ чора-тадбирларни тезроқ амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ялғош САРИЕВ,
Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбирлари.

Ибрат

ЎҚУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

Термиз шаҳридаги Ал Ҳаким ат Термизий номли 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 300 нафар ўқувчилар математика ва физика фанларидан чуқур билим олишмоқда. Ўқув даргоҳида ҳар бир дарс кўргазмали қуроллар асосида Маҳфуза Бобоева, Шоҳида Орипова, Қизларгул Алиханова каби физика ва математика ўқитувчилари томонидан ўқитиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришлари яхши. Уларнинг шиори «Намунали хулқ ва аъло баҳоларда ўқиш»дир.

Йил бошида мактаб-интернат раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда жамоа шартномасини қабул қилишган эди. Унда ўқувчиларга бериладиган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилган. Замон талаблари даражасидаги синфхоналар ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг энг аълочиларидан 10 нафарига стипендия берилмоқда. Туманлардан қатнаб ўқиётган 38 нафар ўқувчи ётоқхона ва 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланиб, дарсдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун ўйингоҳ, спорт жиҳозлари, шахмат-шашка, доминолар мавжуд. Жамоа шартномаси шартлари бўйича ота-оналарга фарзандларининг дарсларини ўзлаштириши ҳақида маълумот бериб бориш мажбурияти қабул қилинган. Ҳар чорак якунида ота-оналар иштирокида йиғилишлар ўтказиб борилмоқда.

Яқинда мактаб-интернатнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан аълочи ўқувчилардан 45 нафари, энг хушҳаво Хўжаипок тоғ ён бағирларида кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтишди. Уларга ўқитувчилардан Шуҳрат Рамазонов, Назира Сатторова раҳбарлик қилишди.

Бу тадбирлар «2001-Оналар ва болалар йили» муносабати билан тузилган жамоа шартномасининг бир бандининг бажарилиши десак, хато бўлмайди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

21-27 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 21 май куни «Ўзбекистон – 1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.20 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
15.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.00 «Балиқ тилга кирганда». Мультфильм.
16.10 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
16.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Экранда – телесериал. «Мерос».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
18.30 «Мусиқий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 Катта ашула ижрочиларининг 1 Республика кўрик танлови.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар». «Олимпни забт этган баҳодир».
22.05 «Маънавият» дастури.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Даврр» ҳафта ичида.
11.40 Вилоятлар ёш хонандалари куйлайди.
11.50 Рамз Бобожон. «Тоға-жиянлар». Аброр Ҳидоятов театрининг спектакли.
13.45 «Мульттомоша».
14.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм.
14.25 2001 йил – Оналар ва болалар йили. «Она билан бола-гул билан лола». Мусиқий дастур.
14.35 Жаҳон жуғрофияси.
15.25 Спорт ҳафтаномаси.
15.40 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» почтаси.
17.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Ватан мадҳи».
17.40 Миллий кадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент педагогика коллежи.
18.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.25 «Эрта сўнган юлдузлар». Собит Асомов.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Ёшлик наволари.
19.45 Ёшлар овози.
20.00, 20.30, 22.30 Эълонлар
20.05 «Менинг замондошим» туркумидан: «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
20.35 Қишлокдаги тенгдошим.
20.50 «Авесто» 2700 йиллигига. «Бир ўлка-ки» «Авесто» – бебаҳо маданий мерос.
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.15 «Бахт учун курашинг!» Хайрулла Нуриддиновнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ плюс».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t^0 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Таълимдаги ислоҳотлар». Бевосита мулоқот.
22.50 «Ўзбегим навоси»
23.20 ТТВда сериал: «Селеста».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар
00.05. ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15,00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Контакт».
17.05 «Клип-антракт».
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Аралаш» ҳажвий журнали.
17.30. «Саёҳатлар олами».
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.15 «Бебилиска пул». Сериал.
22.00 «Клип антракт».
22.10 Кинематограф. «Икки шаҳар қиссаси». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10, 12.20 ТВ-метео.
9.15 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
9.30 Эстрада тароналари.
9.50 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.10 «Шоҳрух» клуби.
11.35 «Алдаркўса». Мультфильм.
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Қишлоқ ҳаёти».
12.25 «Маънавият» дастури.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурхонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кеча.
15.10 «ТВ -клуб».
15.30 Саргузашт фильмлар экрани «Шайтон малайлари».
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар довони».
18.45 Кўшиқ рақсга чорлайди».
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқий учрашувлар». Паркент тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
21.45 «Гиёҳвандлик – аср вабоси».
22.00 «Янга». Теленовелла.
22.25 «Тарих кўзгуси»
22.50 «Кулгига нима етсин».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-серия.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Ватан мадҳи».
9.45, 10.55, 13.40, 15.10 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.15 Саломат бўлинг.
10.35 Кинотақдим.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.50 «Менинг замондошим» туркумидан: «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
15.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 8-қисм.
* * *
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
16.40 Таянч.
16.55 Ёшлар куйлайди.
17.05 Миллий кадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи.
17.30 Ёшлар овози.
17.50 Авторейд.
18.05 Газал соғинчи.
18.25 «Дийдор».
18.45 Оқшом наволари.



18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Марду майдон.
20.10, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.15 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
21.00 Ёшлик қўшиқлари.
21.15 «Бахт учун курашинг!» Хайрулла Нуриддиновнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t^0 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Фармацевтика оламида».
22.35 «Ўзбегим навоси»
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Х-спорт».
17.15 «Аралаш» ҳажвий журнали.
17.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.55 CFI тақдим этади: «Жильбер Монтана» иштирокидаги концерт дастури.
18.40 «Зарбдор куч». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Клип-антракт».
21.45 Кинематограф. «Кабутар қанотлари». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун».
9.15 «Опера санъати изланишлар йўлида».
9.35, 11.25 ТВ-метео.
9.40 «Дангаса қиз». Мультфильм.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
11.05 «Камолот сари».
11.30 «Соғлом авлод» жамғармаси соврини учун кураш турнири.
11.50, 13.50 ТВ-анонс.
12.05 К. Раҳмонов «Инжиқнинг муҳаббати». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
13.30 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.10 «Мусиқий учрашувлар». Паркент тумани меҳнаткашлар ҳузурида.
14.50 «Ўзбекистон» киножурнали.
15.00, 16.55 ТВ-клип.
15.10 Кундузги сеанс: «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм.
16.30 «Остонаси тиллодан».
17.05 Экранда -телесериал «Мерос».
18.10 «Иқтисод ва биз».
18.20 Болалар учун. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.35 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Ёшлар куйлаганда».
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ҳамоҳанг наволар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшиқларим Сизга армуғон». М. Азимов.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 «Футбол олами».
«Тунги ҳамроҳ».
22.20 «Армонли дунё».
22.40 «Ўхшаш чехралар».
23.15 «Ахборот».
23.50 «Олам». Телеальманах.
00.25 -00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 10.50, 13.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.35 Ёшлар овози.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.05 Болалар экрани. «Бэмбининг ёшлиги».
13.20 «Эрта сўнган юлдузлар». Собит Асомов.
13.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
14.20 Ёшлик наволари.
14.30 «Дийдор».
14.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 8-қисм.
15.15 Авторейд.
15.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.35 Газал соғинчи.
16.55 Ёшлар куйлайди.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Дунёга машҳур «Машҳура».
18.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 9-қисм.
18.25 «Далил ва шарҳ».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Ракурс.
20.35, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 «Аёл қалби наволари». Дилдора Ниёзова.
20.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 Миллий кадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги академик лицей.
21.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t^0 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Фармацевтика оламида».
22.35 «Ўзбегим навоси»
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Билишни истайман...» Болалар учун кўрсатув.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Аралаш» ҳажвий журнали.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (X-files)
19.25 «Кино сайёраси».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 Роберт Де Ниро «Севишганлар» фильмида.
22.50 «Бизнес-ревю».
23.00 «Соккер клуб».
23.20 Клип-антракт.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Улуғ аждодларимизга эҳтиром «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хўжа Ахрор Валий».
9.05, 12.25 ТВ-метео.
9.10 «Куйлардан кўшиқларга». Мусиқий дастур.
9.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.50 «Ўйқу салтанати». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 «Дубровка». Бадиий фильм.
11.35 «Сиртқи телевизион олимпиада».
12.05 «Озод юрт одамлари». Бадиий - публицистик кўрсатув.
12.30 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.45, 17.10 ТВ-анонс.
12.50 «Дўстлик тароналари». Мусиқий дастур.
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55, 14.55 ТВ-клип.
14.10 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.00 «Ўзбекистон» киножурнали.
15.15 «Рақслар гулдастаси».
15.40 «Оламни асранг!»
16.00 «Мураббий». Спорт дастури.
16.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қисмат». Бадиий видеофильм премьераси. 1-қисм.
17.20 «Кулгуга нима етсин».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Орзулар қанотида».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** М. Узоқов ва Ж. Султонов номидаги III Республика хонандалар кўрик-танлови.
21.50 «Истиқлолдан зиё топган юрт» телетанлов. Экранда – Қашқадарё вилояти.
22.20 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 11.45, 13.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 Далил ва шарҳ.
10.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 9-қисм.
11.00 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
14.20 Мухлис.
14.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
15.30 Сенинг вақтинг.
15.50 Спорт-қитъаси.
16.15 Одил сўз.
16.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Миллий кадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей.
18.00 Тараққиёт.
18.15 Ёшлар куйлайди.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Дастхат.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мусиқий лаҳзалар.
20.35, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
21.15 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t^0 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.35 «Ўзбегим навоси»
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Бебилиска пул». Сериал.
18.00 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.25 «Британия кундалиги».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Клип-антракт».
21.50 Кинематограф. «Такси». Бадиий фильм.
23.10 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ёз нафаси». Премьера.
9.10, 12.25 ТВ-метео.
9.15 Лирик тароналар.
9.40 «Мураббий». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Кузги марафон». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Йўл бошида».
12.30 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан».
13.00 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.20 «Саҳна ҳаёти».
13.55, 15.10 ТВ-анонс.
14.10 «Тошкент баҳори – 2001». I Халқаро мусиқа фестивали.
14.50 «Унутмас мени боғим». Адабий кўрсатув.
15.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Малика Абдуллахўжаева».
15.40 «Кулгитерапия».
16.10 «Муҳофаза».
16.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қисмат». Бадиий видеофильм премьераси. 2-қисм.
17.15 Болалар учун. «Кўшиғим, жон кўшиғим».
17.40 «Битик».
18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
23.05 «Ахборот».
23.40 «Олам». Телеальманах.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.35 «Мультмомоша».
9.50 Тараққиёт.
10.05, 10.45, 13.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Давр»-интервью.
10.25 «2000 йилдан сўнг. Телесериал.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.55 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
14.25 Мезон.
14.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
15.10 Бу мунис лаҳзалар.
15.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
17.05 «Мультмомоша».
17.20 Ёшлар куйлайди.
17.30 Автосалтанат.
17.45 Аскар мактублари.
18.05 Хайр, мактаб!
18.15 Азизим.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Ҳуқуқ ва бурч.
19.55 Халқаро кашандаликка қарши кураш куни олдидан «Саломат бўлинг».
20.20 Ёшлик наволари.
20.30 «Аср киёфаси».
20.50, 21.40, 22.30 Эълонлар
20.55 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
1.10-1.20 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Огоҳ».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t^0 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Телефакт».
22.40 «Ўзбегим навоси»
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.35 Кинонигоҳ. «Аэроплан-1».
1.55-02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Ассалом, Франция!» Басков кўшиқлари.
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Мирзо Улуғбек». Телефильм.
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «Дурдаршан».
22.05 «Евровидение – 2001». Кўшиқлар танлови. Даниядан олиб кўрсатилади.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 11.30 ТВ-метео.
9.20 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
10.00 «Бахтимизга омон бўлинг». «Тирик сайёра» кинодастури:
10.20 «Ноилож сайёдлар-5». Ҳужжатли фильм.
11.10 «Маърифат». Телеальманахи.
11.35 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.

11.55 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
12.15, 18.15 ТВ-анонс.
12.20 ТВ 1 кинотеатри: «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.30 «Оталар чойхонаси».
14.20 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.40 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 «Қалб гавҳари».
16.10, 17.40 ТВ -клип.
16.15 «Спорт шанбадан -шанбагача».
16.45 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
17.45 «Химмат».
18.00 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.25 «Санъат олами».
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
21.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.15 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.55 «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
9.20 Табобат оламида.
9.40, 11.10 Мусиқий лаҳзалар.
9.50 Аср киёфаси.
10.10 Бола тилидан.
10.40 Ракурс.
11.00 Хайр, мактаб!
11.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 «Аёл қалби наволари». Умида Мирҳамидова.
12.40 «Авесто» 2700 йиллигига. «Бир ўлка-ки» «Авесто»-бебаҳо маданий мерос.
13.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.25 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
15.10 Кўҳна оҳанглар.
15.20 Кутилмаган меҳмон.
15.40 Азизим.
16.10 Сурхон наволари.
16.25 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.15 «Мультмомоша».
17.30 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
17.50 Ёшлар куйлайди.
18.00 «Футбол плюс»
18.20 Синфдош. Сўнгги қўнғироқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Соғиниб». Мусиқий дастур.
20.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Озод юрт фарзандлари».
20.30, 21.10, 22.45 Эълонлар
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.50 «Ғаройиб ҳодиса». Комедия.
23.50 «Буюк Ипак Йўли. Бахши». Телефильм.
0.10-0.15 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.05, 20.55 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.05 «t^0 36,6»
22.25 «Авто-news».
22.40 «Ўзбегим навоси»
23.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Аэроплан-2».
01.25-01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.10 Кундузги сеанс: «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.
11.25 «Фан-тайм».
11.35 «CFI янгиликлари».
11.45 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
12.20 «Инглиз тили Сиз учун».
12.45.-

Баркамол авлод — Ватан келажаги

ШИФОХОНАДА — СИНФ ХОНАСИ

Қува тумани марказидаги мухташам обидалар қаторига «Оналар ва болалар соғлиғини тиклаш» Маркази ҳам қўшилди.

— Бунинг учун жами 750 миллион сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари бажарилди, — дейди тумандаги 77-хўжаликлараро кўчма механизациялашган қурилиш жамланмаси бош муҳандиси Фозилжон Комилов. — Мажмуани бунёд этишда 84-79-89-103 кўчма механизациялашган жамланмаларининг бунёдкорлари елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Махсус муҳандислик ишларини эса 268-296-363-жамланмаларидаги ҳамкасбларимиз бажаришди. Пардозлаш ишларида Қиргулидаги «Универсал», Қўқондаги «Кошинкор» фирмаларининг қўли гул усталари ғайрат кўрсатишди. Бир сўз билан айтганда, бу кошонада вилоятдаги энг моҳир қурувчилар, уста меъморлар, мармарсозлар, пайвандчи-ю мебелчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Мажмуада асосан туғма ногирон, эрта туғилган, сурункали касалликка чалинган, узоқ вақт даволанишга муҳтож беморлар қабул қилинади. Учта бўлимда бир йўла 90 нафар она-болани даволаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. 40 ўринли болалар бўлимида эмизикли ва ёш болалар шифо топади.

Марказнинг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, кенг имкониятларга эга дорихона мавжудлиги, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган ўсмирлар учун мўъжазгина синф хонасининг ташкил этилганлиги беқиёс меҳрибонликдан нишона.

А. ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

Футбол

«СЕМУРҒ» ПАРВОЗИ

Шубҳасиз, турнинг энг қизғин баҳслари чемпионликка даъвогар жамоалар ўртасида кечди. «Сурхон» учун Фарғонанинг «Нефтчи» клуби билан учрашув кутилганидек мағлубият келтирди. Фақат ҳисобгина мухлисларда таажжуб уйғотди — 0:5. Бир қарашда бу чемпионат карвонбошисининг кучга тўлганлигидан далолат бергандек туюлса-да, айни дамда термизликларда уюшқоқликнинг йўқлиги, энг ёмони, жамоа тақдирига лоқайдлик ҳукм сураётганининг бир кўриниши, деб бемалол айтиш мумкин. Ҳар ҳолда майдонга тушгандан кейин футболчи жилла қурса ўз мухлисларининг ҳурмати учун жон қуйдириши керак-да!

Бу жиҳатдан «Трактор» жамоасида таркиб топган йиғинчоқлик, ўйинчиларнинг тренер кўрсатмаларига ижодий ёндошиш ила мақсадга интилишларини ибрат қилиб кўрсатиш лозим. Буни улар «Пахтакор» билан беллашувда ҳам исботлай олдилар.

Учрашувнинг охирги дақиқаларигача машҳур команда билан тенгма-тенг кураш олиб борганликлари беиз кетмади, ишқибозлар бир неча бор олқишлар билан муносиб баҳоладилар.

Ушбу турда, айтиш мумкинки, «Андижон» ҳам ўз қатъиятини намойиш этди. Акс ҳолда унча-мунча жамоанинг курагини ерга текказиш машқини анчагина яхши эгаллаб олган «Насаф» бунчалик қийин аҳволда қолмаган бўларди. Ўйин тугашига олти дақиқа қолгандагина қаршиликлар ғалаба келтирувчи тўпни киритиб, 2:1 ҳисобида зафар қучдилар.

Умуман, пешқадамлар — «Нефтчи» ва «Насаф» бу муҳим ғалабалардан сўнг ўз таъқибчиларидан катта фарқ билан илгарилаб кетдилар. Бекободда маҳаллий «Металлург» билан дуранг ўйнаган ва тўплаган очколарига кўра турнир жадвалининг учинчи поғонасини эгаллаб турган «Академия» билан «Насаф» ўртасидаги фарқ эндиликда еттитани ташкил этмоқда. Дарвоқе, кейинги турда айнан пешқадамлар орани очди қилиш учун Қаршида майдонга тушадилар. Шубҳасиз, ушбу матч биринчи давранинг ҳал қилувчи баҳси сифатида баҳоланмоқда.

Ангренликлар учун ҳам ўн биринчи тур узоқ эсда қоладиган бўлди. «Семурғ» жамоаси «Самарқанд-Динамо» командасини қабул қилиб, ниҳоят бир неча ҳафталик танаффусдан сўнг ғалаба нашидасини сурди. Ҳисоб — 2:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбаҳор»-«Сўғдиёна» — 2:0, «Бухоро»-«Қизилқум» — 0:3, «Дўстлик»-«Зарафшон» — 3:1, «Кимёгар»-«Турон» — 2:0.

Жума ўгитлари

ҚАРИЛИК ҲАҚИДА

Ҳамма халойиқнинг умри қуёшга ўхшайди: йигитларнинг қуёши шарқдадир, қариларнинг қуёши ғарбдадир, ғарбда бўлган қуёш тез ботади, шунинг учун қариларга йигитлик феълини қилиш номуносибдир.

Эй фарзанд, ҳамиша қариларга раҳм-шафқат қил, қарилик беморликдир. Қарилик бир иллатдир, ўлимдан бошқа ҳеч киши унинг дорисини билмайди, чунки қарилар ўлгунича қарилик азобидан қутула олмайди. (Қариликдан) бошқа халқ қандай касаллик билан оғримасин, бу касалликдан қутулиш умиди бўлади, аммо қарилик иллати кунданкунга ёмонроқ бўлади, яхшилик умиди бўлмайди...

Умрнинг чегараси қирқ йилдир. Умр худди нарвонга ўхшайди, нарвоннинг қирқинчи поғасига чиққанингдан кейин, юқорига йўл тополмайсан. Шундан кейин пастга тушишга мажбур бўласан ва аввалги жойингга борасан. Ҳар соатда янги дард ва аламга етишган киши ҳамиша хушнуд бўлиши лозим, бундай дард ва аламни ўтган соатда кўрмаган эди... Эй фарзанд, қариликнинг ҳикоясини сенинг олдингда узоқ гапирдимки, мен қариликдан норозиман, чунки қарилик душмандир. Душмандан шикоят қилиш ажабланурлик эмас. Сен менинг дўстимдирсан, дўстга душман ҳақида шикоят қиладилар, илоҳо сен ҳам фарзандларинг олдида шундай шикоят қилгайсан, чунки қариларнинг дард ва аламини қарилар биладилар...

Эй фарзанд, ҳаракат қил, қариликка етсанг, бир жойда яшагил, чунки қариликда сафар қилиш ақлдан йироқдир, хусусан, камбағал саёҳат қилмасин, чунки қарилик бир душмандир ва муҳтожлик ҳам бир душмандир. Бу икки душман билан сафар қилиш доноликдан эмас.

(«Қобуснома»дан).

Суратда: Зиёкор Г.Сулаймонова.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҚИММАТГА ТУШГАН ЙЎЛЛАНМА

Мархумлар ҳақида уларнинг ёмон феъл-атворларини эслаб гапиришликни муқаддас китобларда ҳам тавсия этилмайди. Бинобарин, биз сўзламоққа изн сўраб турганимиз тубандаги воқеаларни-да ларзага тушмай тинглаш қийин. Билакс, у қайси бирларингизни маҳзун торттириши, ҳатто ножўя ибораларни ирод қилиш даражасида жаҳолат отига мингаштириши мумкин.

Зоҳиран ва ботинан биров-бировга кўнгил қўйишлик ҳеч бир замон учун янгилик эмас. Ҳаёт еб-ичиш ва зебузийнатларга ғарқ бўлишдангина иборат бўлганда бандаси учун бу дунёнинг унчалик қизиғи қолмас эди. Севиш ва севилиш деб аталган, ҳар кимда турлича кечадиган ҳиссиётлар, қалбан ва жисман уйғунликнинг сирли лаҳзалари қадр-қиммати ўлароқ киши ҳаёти ўзгача бир мазмун касб этади.

Бундан уч йилча муқаддам, пахта йиғим-теримига ҳашарга чиққан Мукамбар ҳол-аҳвол сўраш баҳонасида унга рўбарў бўлган суқсурдаккина йигитга ипсиз боғланиб қолишини ўзи ҳам ўйламаган бўлса керак. Унинг қайтишда уйига элтиб қўйиши мумкинлигини билиб, баттар қизиқиши ортди. Ўзининг қадрига етмаган кимдир ёдига тушиб, ундан «ўч» олиш истаги туғилди.

Йўл-йўлакай икковлон яқиндан танишиб олишди. Мукамбар эри билан ажрашганига бир йилча бўлиб қолганини яшириб ўтирмаганидек, Элчин ҳам оилали эканлигини, бир ўғил ва бир қизчаси борлигини билдириб қўйди. Лекин бу уларнинг кейинчалик ҳам учрашиб туришларига халал бермади.

Севиб қолганлик ҳақидаги иқрорлар айтилиб, ўзаро майллар ижобат бўлгачгина Элчин масала қанчалар чигаллашиб кетганлигини тушунибми, аста-секин ўзини четга торта бошлади. Табиийки, бу «ўйин»га Мукамбар ўла қолса рози эмасди. Шаталоқ отганча далани пайҳон қилиб юрган бузоқчани тизгинлаш пайига тушди у.

Ўша куни Мукамбар Элчинга қўнғироқ қилиб, уни тушликка таклиф этишдан асл мақсад ҳам шу эди. Қўл етмасдек туюлган болдан ширин ғужумлар бугун Элчиннинг ихтиёрида эди.

Айни дамда Элчинга эгаллаб турган лавозими ширинроқ туюлди. «Мукамбарлар келиб кетаверади, бироқ мансаб кўчада ётмайди». У бир озорланса, қайта юз кўрсатмаслиги мумкин. Демак, қадамни ўйлаб босиш керак, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолгани маъқул. Шунинг учун Элчин Мукамбарнинг таклифини очиқдан-очиқ рад қилмаса-да, учрашмаслик учун баҳона қидирди. Аёл ҳам анойи эмас, бўш келмади. Ниятингизни биламан, энди ташлаб кетмоқчи бўляпсиз-да, дея қийин-қистовга ўтди. Ноилож қолган Элчин боришини, фақат бир таниши ҳам ўзи билан бўлишини маълум қилди.

Элчин сиҳатгоҳга йўлланма сўраб келган мижози билан сарф-харажат қилиб Мукамбар айтган манзилга келганида, у дугонаси билан илҳақ ўтирарди. Хашпаш дегунча икки шиша ароқ бўшатилди. Бошлар қизиб, ўртадан парда кўтарилди. Ўзаро эҳтиром ва лутф ўрнини гинахонлик эгаллади.

— Қани ваъдангиз, вафо борми ўзи сизда? Қачонгача алдаб юрмоқчисиз?

Шундоқ ҳам бўлари бўлиб, ортиқча матохдек кўзига ёмон кўриниб бораётган аёлнинг ишвасини Элчин ҳазм қилолмади. Айниқса, бегоналарнинг олдида бўйин эггиси келмади.

— Мен ҳеч кимга ҳеч нарса ваъда қилмаганман, - деди у ва ўрнидан туриб, кетишга ҳозирланди.

Мукамбар ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, баттар лўливозликка ўтди.

— Айтган гапларингдан тонмоқчимисан энди! Ким уйланаман, турмуш қурамиз деган эди бўлмаса? Йўқ, сен мени совунимга кир ювмабсан ҳали...

Ошиқ-маъшуқларни тинчитишга бўлган уринишлар фойда бермади. Элчин ҳамроҳини олиб, уйдан чиқиб жўнади. Лекин у ишхонада ҳам хотиржам ўтиролмади. Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтмай, эшик кесакисига суянган кўйи Мукамбар пайдо бўлди. Элчинни ғазаб титроғи босди.

— Нимага келдинг? Кет бу ердан! - деганича аёлга қараб хезланди.

— Кетмайман, ё бугун мени уйингга олиб борасан, ё сени ишхонангда шармандаи шармисор қиламан!

Элчин ҳаммасидан ҳам шунисидан қўрқарди. Бирдан попуги пасайиб, тилёғламаликка ўтди.

— Баҳоргача сабр қил, албатта уйланаман.

Аёл бургут келбат бир йигит мусичадек ёввош тортиб қолганини, бунга сабаб уни нозик жойидан тутгани эканини ҳис қилди. Ҳис қилди-да, ошириб авжига чиқди.

— Яхши, тўй мартда бўлсин, - деди у қатъий. — Унгача менга Тошкент сиҳатгоҳларидан бирига шу бугуноқ йўлланма топиб берасан!

Элчин беихтиёр қўлларини икки ёнга ёзди.

— Ҳай, инсон, ҳозир қўлимда ҳеч қанақа йўлланма йўқ. Хўп десанг, кейинги ойга тўғрилаб берай...

— Лақиллатмай қўяқол, - забтига олди аёл. — Мен йўқ - пўғингни билмайман. Шу бугун дедимми, шу бугун топиб берасан, тамом-вассалом.

Ялиниб-ёлворишлар кор этмади. Охири Элчин йўл қилди.

— Майли, айтганингча бўла қолсин. Фақат ҳозир сен аста йўлга чиқавер. Кетингдан машинада ўзим етиб бораман. Бирисининг уйидан сўраб оламиз.

— Алдасангиз кўрасиз.

Ширакайф Мукамбарнинг ғазабланиши ҳам, қувониши ҳам осон эди.

У Элчиннинг ёлғонларига лаққа учди. Йўл чеккасига чиқиб, ўйнашини кутди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай сиёҳранг «Тико» кўринди. Элчин машинанинг орқа ўриндиғида ўтирар, рулда тушликка борган мижози эди. Йигит аёлни ўз ёнига таклиф қилди. Уни ширин сўзлар билан эркалаб, бағрига тортди. «Тико» елдек учарди...

Хаёли аллақаёқларда кезиб юрган Элчин бир пайт шеригига машинани тўхтатишни буюрди?

— Уйингга яқин қолди, сен ўзинг кетавер. Мен ҳали Мукамбарга йўлланма олиб беришим керак.

Йўлланмадан ҳам суюклиси билан ёлғиз қолганидан аёл кўпроқ масрурланди. Шунинг учун ҳам «Тико» тилла қўнғиздек бўлиб хилват, поёнсиз қирликлар томон учаётганини кўрсада, Элчиннинг елкаларидан қучганча парвойи палак ўтираверди. Кошки бу йўллар адо бўлмаса!

Машина кимсасиз, пастқам бир жойда тўхтаганда ҳам ҳеч нарсадан хавотирланмади. Балки эшикни очиб, илтифот кўрсатган йигитга нозланиб қўл узатди. Қўлини берди-ю, суюклисининг кўзларига кўзи тушиб даҳшат ичида қичқирди.

— Ўлдирманг мени, акажон!

Йўқ, у сўзларини охиригача айтолмади. Турқи-таровати-ю важоҳатидан от ҳуркар даражага келган Элчин, мана сенга йўлланма, мана сенга дам олиш, деб хайқирганича сувенир пичоқни аёлнинг нақ юрагига санчди.

Сал фурсатда суюкли ёрдан ваҳшийга айланган қотил жонсиз танадан тилла тақинчоқларни чиқариб олди...

У уйида бир кун тунаб, «Отажон, мен Мукамбар деган қизга уйланиб, Тошкентга кетдим» дея хат қолдириб изсиз ғойиб бўлди. Ерга кирдими, кўкка чиқдими, ҳеч ким билмади. Шу кетганча, ўн ой қаерлардадир тентираб юрди.

Бироқ қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Элчиннинг ҳийласи ўтмади, у кутгандек қорлар ёғиб излар босилмади. Ҳамон қидиришда эканлигини билгач, айбига иқрор бўлиб, ички ишлар идорасига ўзи кириб борди...

Зукко ўқувчиларимиз сезган бўлсалар керак — биз атайин ошиқ-маъшуқлар номларини ўзгартириб қаламга олдик. Сабаби аён: икки енгилтабиат кимса ботган гуноҳи азим уларнинг ота-оналари, айниқса бокира фарзандларни баттар изтиробга солмасин, дедик.

Одамнинг қалби қайнаб турган қозондан ҳам ўзгарувчанроқдир, дейилади Ҳадиси Шарифда. Вақтида жиловлаб турилмаса, бошвоғсиз қолади у. Кимлардир биз қаламга олган кимсалар каби кўнгил кўчасига киради.

Аслини олганда Мукамбар ҳам, Элчин ҳам ўзларини ўзлари жазога маҳкум этдилар. Муҳаббат ўзини таҳқирлаганларни асло кечирмаслигини, афсуски, улар билмадилар. Бошиданоқ ёлғонлар устига қурилган қаср кунпаякун бўлиб, оёқларга тушов солганда эса вақт ўтган эди.

Ажабки, биз кўпинча ўз бошимизга тушгандан кейингина у ёки бу дард уқубатини ҳис қиламиз. Юқоридаги каби аччиқ қисматлардан қачон хулоса чиқаришга ўрганамиз?

Зайниддин РИХСИЕВ, Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбирлари.

ёхуд сохта ошиқлар қисмати

ДИЛНОЗА - ЭНГ ЯХШИ ИЖРОЧИ

Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқ байрамининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда она Ватанга муҳаббат, халқимизнинг азалий анъаналари ва бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи қирқдан ортиқ қўшиқ янгради. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти талабаси, олмалиқлик Дилноза Исмияминова «Ватан» қўшиғи /Шукур Қурбон шеъри, Қаҳрамон Комилов мусиқаси/ билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши ижрочи деб топилган Дилноза танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

- Танловда барча ёшдаги турли миллатга мансуб ижрочилар қатнашди, - дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З.Солиҳов. - Энг муҳими, танлов янги овозлар кашф этиш имконини берди. Она-Ватанимизни мадҳ этувчи оммавий қўшиқлар янада кўпайди.

Юртим жамоли

Ю.СОЛОДОВНИКОВ олган сурат.

АМИР ТЕМУР АРКИ ҚАЕРДА?

Юртимиз заминида ҳали кашф этилмаган сирсиноатлар кўп. Самарқандда рўй берган тасодиф юртимиз тарихидан яна бир янги саҳифа очди.

Вилоят архитектура ва капитал қурилиш бошқармалари фаолият кўрсатиб келган бино яқинда фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига берилди. Бинони қайта таъмирлаш чоғида қурувчилар қадимги асрларга оид пишиқ ғиштларни топиб олди. Олимларнинг фикрича, бу жой соҳибқирон Амир Темур даврида Арки аъло деб юритилган. Айнан подшо ўтирадиган жой шу ерда бўлган. Тарихда машҳур Кўксарой ва Бўстонсарой ҳам шу ҳудудда жойлашган. Ушбу саройларда ҳунармандлар устахоналари, қурол-аслаҳа омборлари мавжуд бўлган. Амир Темурнинг давлат кутубхонаси ва хазинаси ҳам шу ерда сақланган.

Бус-бутун сақланиб келинаётган ушбу мажмуа XIX асрда чор Россия босқини туфайли вайронага айланган. Истилочи Фон Кауфманнинг буйруғи билан мазкур арк ва саройлар портлатилиб, ўрни текисланган ва бу жойга казармалар, ҳарбий госпитал ҳамда ўқ-дори омборлари қурилган. Тарихнинг аччиқ ҳақиқати ана шу топилмалар туфайли хотирамизда яна бир бор жонланди.

(ЎзА).

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти 21.00 Топширилди 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6